- Сифатсиз махсулотларни, «Таъминотчи» хисобидан сифатли махсулотларга 1 кун муддатда алмаштириб беради;
- Сифатсиз махсулотларни «Ташкилот» томонидан уз маблаглари эвазига, яроклисини ажратишга уни тозалашга ва махсулотни ярокли холга келтириш учун бошка харажатларни тулаш;

4 Агар «Таъминотчи» мазкур шартномада белгиланган микдордаги махсулотни етказиб бермаса ёки «Ташкилот» нинг сифатсиз махсулотларини алмаштириб бериш хакидаги талабларини бажармаса белгиланган тартибда кушимча келишувга асосан бекор килиниши

МАХСУЛОТЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

4.1 Шартноманинг умумий киймати 7 050 000 (Етти миллион эллик минг сум 00 тийин ) сумни ташкил этади.

4.2 Олинган махсулотлар учун туловлар «Ташкилот» томонидан пул утказиш йули билан амалга оширилади.

4.3 Шартнома кучга кириб, тегишли газначилик тизимидан руйхатдан утгандан сунг беш банк иш кунида «Ташкилот» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасининг 30% изи олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи» нинг хисоб ракамига утказиб беради.

4.4 Колган охирги 70% изи «Таъминотчи» томонидан етказиб берилган махсулотлар хисоб-варак фактуралари асосида 90 кун ич ида утказиб беради.

4.5 «Ташкилот» томонидан 30% изи олдиндан тулов амалга оширилгандан сунг «Таъминотчи» 3 банк иш куни давомида мазкур шартномада курсатилган микдорда ва нархларда махсулотларни «Ташкилот» га етказиб беради.

4.6 Нархлардаги хар кандай узгаришлар шу жумладан бозор нархларининг узгариши хом ашё ва материаллар нархларидаги узгаришлар, конун хужжатларида белгиланган энг кам иш хаки микдорининг узгариши ёки бошкалар сабабли махсулотлар бахосининг узгариши тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади ва ушбулар тугрисида шартномага кушимча келишув киритилади.

5 МАХСУЛОТ СИФАТИ

5.1«Таъминотчи» етказиб бериладиган махсулотнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

5.2«Ташкилот» сифат ва яроклик сертификатлари булмаган махсулотларни кабул килмайди.

6 МАХСУЛОТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА КАБУЛ КИЛИШ

6.1 Махсулотни кабул килишда «Ташкилот» уни микдори, сифати, ассортименти ва руйхатини «Таъминотчи» томонидан берилган махсулот етказилганлигини тасдикловчи хужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги юзасидан текшириб олади.

6.2Махсулотни кабул килиш якуни буйича «Ташкилот» кабул килиш далолатномасини тузади. Ташкилот томонидан далолатноманинг имзоланиши кабул килинаётган махсулотнинг текширилганлигини билдиради.

7 ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ.

7.1 «Таъминотчи» махсулот етказиб беришда шартноманинг 2.1- булимида белгиланган шартларни бузганда, яъни махсулот етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборса, тулик етказиб бермаса кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз микдорида пеня тулайди. Лекин туланадиган пеня суммаси етказиб берилмаган махсулотлар умумий суммасининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

«Таъминотчи» томонидан жунатилган махсулотларга оид тулов ва махсулот етказиб берилганлиги тугрисидаги бошка хужжатлар уз вактида, яъни махсулот билан бирга «Ташкилот» га такдим этилмаса хар бир холат учун етказиб берилаётган махсулот кийматининг 1 фоизи микдорида жарима тулайди.

7.2«Таъминотчи» томонидан махсулотлар уз вактидава белгиланган талаблар асосида етказаиб берилганда “Ташкилот” уларни асоссиз равишда кабул килмаса, кабул килинмаган махсулотнинг 5 фоизи микдорида , тез бузиладиган махсулотлар буйича 10 фоиз микдорида жарима тулайди.